

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTАН**

« 28 » май 20 19 у.

№ 440

Toshkent sh.

**2019-2023 йиллар даври учун Ўлчашлар бирлигини таъминлаш
миллий тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш
концепциясини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорини бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

2019–2023 йиллар даври учун Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) 1-иловага мувофиқ;

2019–2023 йиллар даври учун Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда Амалий чора-тадбирлар режаси деб аталади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар концепциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Халқаро қонунчилик метрология ташкилотининг кўрсатма ва тавсияларини ҳамда бошқа халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда, Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимининг комплекс ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлаш;

метрологик фаолият субъектларининг функционал вазифалари ва масъулият соҳаларини аниқ чегаралаган ҳолда, Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимининг тузилмасини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси эталон базасини ривожлантириш, давлат метрология хизматлари органларининг лабораторияларини айниқса, республика ҳудудларида модернизация қилиш ҳисобига иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш устувор йўналишларининг метрологик таъминот даражасини ошириш;

ўлчаш воситаларини калибрлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали маҳаллий маҳсулот сифатини ва рақобатбардошликни ошириш учун шароит яратиш;

халқаро ва минтақавий метрология ташкилотлари билан метрология бўйича ўзаро самарали ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш ва кенгайтириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодиётга ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш халқаро тизимларига тенг ҳуқуқли шерик сифатида интеграциялашувига қўмаклашиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича самарали тизим шакллантириш, ўлчашлар бирлигини таъминлаш соҳасида илмий фаолиятни ривожлантириш;

метрология соҳасида ахборот технологияларининг қўлланишини кенгайтириш ҳамда ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг ишлашини, шу жумладан бажарилаётган ишлар ва хизматларни ахборотлаштириш ҳамда автоматлаштириш даражасини ошириш.

3. Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар белгиланган тартибда “Ўзстандарт” агентлигига тасдиқланган Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга ёрдам кўрсатсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилги-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари котибиятига ва “Ўзстандарт” агентлиги бош директори Д.Н. Саттаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “28” _____ май даги
440 -сон қарорига
1-илова

2019-2023 йиллар даври учун ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш КОНЦЕПЦИЯСИ

Тараққиётнинг бугунги босқичида маҳсулот сифати, хавфсизлиги ва рақобатбардошлиги иқтисодиёт тармоқларини мадал ва барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида ва давлат бошқарувида қўлланадиган ўлчаш натижаларининг аниқлиги, холислиги, ишончлилиги ва солиштирилувчанлигини таъминламасдан, қайд этилган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида республика корхоналари томонидан технологик жараёнга замонавий ускуналарни, шу жумладан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини назорат қиладиган ўлчаш приборларини жорий этиш бўйича ишлар бажарилмоқда.

Республикада ўлчаш техникаси миқдори ва янги турларининг кўпайиши тенденциясини ҳисобга олган ҳолда, метрологик фаолият ва унинг инфратузилмасининг такомиллашиши доимий равишда Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришларга ва маҳаллий ишлаб чиқариш, айниқса, кичик бизнес корхоналарини ва хусусий тадбиркорликни энг қулай ривожлантириш шароитларига мос бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш соҳасида аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда, зарур метрологик инфратузилма яратилган. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштирадиган миллий метрология органи – “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарлик қиладиган давлат метрология хизмати фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича вазифаларнинг самарали ҳал этилишига тўсқинлик қиладиган алоҳида муаммоли масалалар ва салбий ҳодисалар сақланиб қолмоқда.
Хусусан:

ўлчашлар бирлигини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини халқаро талаблар билан уйғунлаштириш масалалари ҳали тўлиқ ҳал этилмаган;

ўлчаш воситалари тавсифларини баҳолаш тарихотларининг қонунийлигини таъминлаш, шунингдек, уларни муомалага киритишда ҳам, улардан фойдаланиш жараёнида ҳам, давлат томонидан тартибга солинадиган соҳада уларнинг яроқлилигини тасдиқлаш масалаларининг ҳуқуқий тартибга солинишини қўшимча такомиллаштириш зарурати мавжуд;

республиканинг мавжуд эталонлар базаси алоҳида ўлчаш турлари бўйича юқори аниқликдаги приборларни метрологик текширув билан тўлик камраб олишга имконини бермайди, бу эса уларни хорижий метрологик институтларга олиб чиқиш заруратини юзага келтиради;

ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизиминини ишлаш жараёнида вазифаларни сифатли бажаришга қодир бўлган малакали метролог-мутохассенлар етишмаслиги кузатилади;

қўлланаётган ўлчаш воситалари паркининг тузилмаси ва ҳажмини мониторинг ва таҳлил қилиш ягона тизими мавжуд эмаслиги жиддий муаммо ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида давлат ва жамиятнинг ўлчашларга бўлган эҳтиёжларини тадқиқ этиш ва прогноз қилиш механизми ва методологиясини ишлаб чиқиш имконини бермайди.

Замонавий жамиятда кўпгина фаолият соҳаларида миллий ва халқаро эҳтиёжлар бир-бирига яқинлашади ва шунинг учун метрология ва метрологик фаолият соҳасидаги миллий сиёсат ҳамда мамлакат иқтисодиёти хорижий инвестициялар жалб қилиниши учун энг қулай шароитлар яратилишини таъминлайдиган ва савдога тўсиқлар юзага келтиришига йўл қўймайдиган даражада ривожланиши керак.

Шу мақсадда ҳар бир мамлакат ўзида ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича ишларни бажариш қоидаларини мужассам этган, шунингдек, объектлар, ўз ваколатлари доирасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш соҳасидаги ишларни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари ва юридик шахсларни ифода этадиган **ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимига** эга бўлиши керак.

Шу муносабати билан ҳозирги пайтда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистоннинг ўрнатилган ҳуқуқ тартиби ва иқтисодиётини нотўғри ўлчаш натижаларининг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш бир томондан, ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимининг кейинги йўналишларини белгилаш, иккинчи томондан эса – мамлакатда метрологик инфратузилмани ва унинг ишлаш принципларини такомиллаштириш заруратини белгилайди.

Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси хорижий мамлакатларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимларини яратиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, Халқаро қонуночилик метрология ташкилотининг кўрсатмалари ва тавсияларига мувофиқ 2019-2023 йиллар даври учун ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарди.

1 - боб. Концепциянинг мақсади ва вазифалари

1. Концепциянинг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўлланадиган ўлчаш натижаларининг аниқлиги, ҳолислиги, ишончлилиги ва солиштирилувчанлигини ошириш йўли билан кенг ишлаб чиқариш кооперациясини, юқори технологик маҳсулот параметрларининг мувофиқлиги баҳоланишини таъминлаш;

метрологик фаолиятнинг илмий, техник, норматив ва ташкилий асосларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, республикада ўтказилган ўлчаш ва синаш натижаларининг халқаро даражада тан олинishiга эришиш;

фуқаролар соғлиги ва ҳаётини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, миллий товар ва хизматларнинг сифати, хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган ўлчаш нагизларини олишда фуқаролар, давлат ва жамият эҳтиёжларини тўлиқ қондириш;

давлат метрология хизматлари органларининг салоҳиятини кучайтириш, Концепция вазифаларини амалга ошириш ва метрологик хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш учун уларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш.

2. Қуйидагилар Концепциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

МОЗМ кўрсатма ва тавсияларини ҳамда бошқа халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда, Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимининг комплекс ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлаш;

метрологик фаолият субъектларининг функционал вазифалари ва масъулият соҳаларини аниқ чегаралаган ҳолда, Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимининг тузилмасини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси эталонлар базасини ривожлантириш, давлат метрология хизматлари органларининг лабораторияларини айниқса республика ҳудудларида модернизациялаш ҳисобига иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш устувор йўналишларининг метрологик таъминот даражасини ошириш;

ўлчаш воситаларини калибрлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали маҳаллий маҳсулот сифатини ошириш ва рақобатбардошлиқни ошириш учун шароит яратиш;

халқаро ва минтақавий метрология ташкилотлари билан ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш ва уни кенгайтириш механизмларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодиётга ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш халқаро тизимига тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида интеграциялашувига кўмаклашиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича самарали тизим шакллантириш, ўлчашлар бирлигини таъминлаш соҳасида илмий фаолиятни ривожлантириш;

метрология соҳасида ахборот технологияларининг қўлланишини кенгайтириш ҳамда ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг ишлашида, шу жумладан бажарилаётган ишлар ва хизматларни ахборотлаштириш ва автоматлаштириш даражасини ошириш.

2 - боб. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

1 - §. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш

3. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг норматив базасини миллий иқтисодиётни ривожлантириш устувор вазифаларига мувофиқ такомиллаштириш, уларни халқаро талаблар билан уйғунлаштиришни таъминлаш.

4. Метрология бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва зарур бўлса, метрологик фаолиятнинг замонавий ривожланиш йўллари ҳисобга олган ҳолда уларни қайта кўриб чиқиш.

5. Республикада ўлчашлар бирлигини таъминлаш масалаларини тартибга солинадиган халқаро, давлатлараро, минтақавий стандартлар ва хорижий

мамлакатларнинг стандартларини қабул қилиш ва қўллаш ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

6. Хизматларни амалга ошириш ягона тартибни белгилаш қисмида метрологик ишлар ва хизматларни ўтказишга қўйиладиган барча учун мажбурий бўлган талабларни, ишлаб чиқилаётган ҳужжатларга, ишларга ҳақ тўланишига, уларни бажариш муддатларига, масъул ижрочиларга, шунингдек, метрологик текширув натижаларининг расмийлаштирилишига ва Ўзбекистон Республикаси ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимидаги терминологиянинг бир хил қўлланишига қўйиладиган умумий ва махсус талабларни ўрнатиб бўйича масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

7. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва қиёсий баҳолаш асосида республикада ўрамларга қадоқланган товарларни метрологик текширув ва назоратдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий асосларни шакллантириш.

8. Давлат метрология хизматига кирмайдиган юридик шахсларнинг техник базаси асосида ўлчаш воситаларининг метрологик текширувини амалга ошириш ҳуқуқий масалаларини тартибга солиш.

2 - §. Ўзбекистон Республикаси давлат метрология хизмати тузилмасини такомиллаштириш

9. Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган замонавий бошқарув шакллари жорий этиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси давлат метрология хизмати тузилмасини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг метрология соҳасидаги функционал вазифаларини чегаралаш.

10. Халқаро стандартлар асосида замонавий менежмент ва метрологик хизматлар сифатини бошқариш тизимларини, шунингдек, метрология бўйича хизматлар сифатидан мамнунликни баҳолаш механизмларини жорий этиш.

11. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимида Ўзбекистон вақт шкаласини юритиш ишларини амалга оширадиган вақт ва частота хизматини, физик константалар ҳамда модда ва материалларнинг хоссалари ҳақида стандарт ахборотли маълумотлар хизматини, шунингдек, путур стазмайдиған текширув хизматини ташкил этиш.

12. Маҳаллий ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, республика саноатининг метрологик текширувини таъминлаш учун стандарт намуналар тайёрлаш, эталонлар ва энг юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини яратиш усул ва воситаларини гадқик қилишга йўналтирилган илмий-техник лойиҳалар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ишларини фаоллаштириш йўли билан Миллий метрология институтининг фаолиятини такомиллаштириш.

13. Устувор вазифаларни, илмий-техник сиёсатни шакллантириш ва метрология бўйича ишларни мувофиқлаштириш, Ўзбекистон иктисодиёт тармоқлари метрологик таъминотининг қонуничлик ва амалий масалаларини кўриб чиқиш ва улар бўйича асосланган қарорлар қабул қилиш соҳасида таклифлар ишлаб чиқиш.

14. Давлат ва жамиятнинг ўлчашларга бўлган эҳтиёжларини тадқиқ қилиш ва прогноз қилиш механизми ва методологиясини ишлаб чиққан ҳолда, қўлланаётган ўлчаш воситалари паркиннинг тузилмаси ва ҳажмини мониторинг ва таҳлил қилиш тизимини яратиш.

15. Ишлаб чиқариш метрологик таъминоти масалалари бўйича аутсорсинг хизматларини ташкил этиш орқали штатида метролог лавозими кўзда тутилмаган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик вакилларига ёрдам кўрсатиш, техник паркни жиҳозлаш ва замонавийлаштириш бўйича маслаҳатлар тақдим этиш.

3 - §. Техник базани такомиллаштириш ва замонавийлаштириш

16. Халқаро эталонлар даражасига кузатилувчанликни таъминлаш учун ўлчам бирликларини узатиш мақсадида мавжуд эталонлар базасини таҳлил қилиш, ўлчам турлари бўйича эҳтиёжларни ўрганиш ва республика саноатини ривожлантириш истиқболларининг мониторингини ўтказиш.

17. Эталонлар сони ва ўрта ёшини саноати ривожланган мамлактларнинг мос кийматиғача етказиш, энг юкори аниқликдаги ўлчам воситалари паркни юкори технологик жиҳатдан янгилаш, шунингдек, модда ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари миқдорини ошириш.

18. Миллий эталонлар, миллий метрология институтлари томонидан бериладиган калибрлаш ва ўлчам сертификатларининг ўзаро эътироф этилиши тўғрисидаги келишув доирасида ўзаро тан олиншини таъминлайдиган СИPM MRA эталонлар тизимини яратиш.

19. 2019-2022 йиллар даври учун эталонлар ва энг юкори аниқликдаги ўлчам воситаларини харид қилиш дастурининг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш.

20. Ўлчам имкониятларини кенайтириш ва барча йўналишлар бўйича республика корхоналарининг эҳтиёжларини метрологик текширув билан тўлиқ камраб олиншини таъминлаш учун замонавий ўлчам ускуналари паркни шакллантириш, шунингдек, республиканинг барча ҳудудларида ўлчам лабораторияларининг кенг тарқалган тармоғини яратиш, шу жумладан давлат-хусусий шерклик шартларида.

21. Инвестиция сиёсатини шакллантиришда иштирок этиш, ўлчамлар бирлигини таъминлаш соҳасига инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинишини таъминлаш, шунингдек, метрологияни ривожлантириш билан боғлиқ инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш.

22. Муҳим иктисодиёт йўналишларининг (энергетика, транспорт, машинасозлик, экология, тиббиёт ва бошқ.) ўлчамларга бўлган эҳтиёжлари кондирилишини таъминлаган ҳолда, уларга метрологик хизматлар кўрсатиш даражасини ошириш.

4 - §. Ўлчам воситаларини калибрлаш тизимини такомиллаштириш

23. Метрологик кузатилувчанлик ва халқаро даражада тан олинш масалаларини тартибга солишга ёрдам берадиган, Ўзбекистон Республикасининг ўлчам воситаларини калибрлаш миллий тизимини яратиш.

24. Калибрлаш ўтказиш бўйича халқаро стандартлар, қўлланмалар ва тавсияларни, уларни бевосита қўллаш йўли билан жорий этиш, шунингдек, ўлчам техникаси соҳасидаги энг илғор ютуқлар асосида калибрлаш усулиятларини (усулларини), вақт ва маблағлар сарфини камайтириш мақсадида ўлчамларни автоматлаштириш ва ахборотлаштириш усулларини такомиллаштириш.

25. Маҳсулотни янада юқорирок аниқлик билан ишлаб чиқаришга ёрдам берадиган, янада аниқ ва сифатли ўлчашларни таъминлаш учун алоҳида олинган йўналишларда қиёслаш ишларини бажаришдан калибрлаш ўтказишга босқичма-босқич ўтиш бўйича тегишли чоралар кўриш.

26. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро ўлчов ва тарозилар бюросининг базасида тақдим этилган ўлчаш ва калибрлаш имкониятлари сонини кўпайтириш учун эталонлар ва энг юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини халқаро қиёслашда иштирок этиш.

27. Халқаро қиёслаш доирасида ёки бошқа мамлакатларнинг метрология ташкилотларида бажариладиган, кагталик бирликлари эталонларини солиштириш, калибрлаш натижаларини тан олиш механизмини яратиш.

28. Маҳсулотни сертификатлаштириш ва сифат менежменти тизимида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим шarti сифатида ўлчаш воситаларини калибрлашни ривожлантиришни рағбатлантириш.

29. Оддий фойдаланувчилар ва лабораторияларнинг калибрлаш хизматларига бўлган эҳтиёжларини, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва калибрлашни ташкил этиш ва ўтказишга замонавий ёндашувни жорий этиш заруратини ўрганиш.

30. Калибрлаш ўтказилиши тавсия этилган ўлчаш воситаларининг рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

31. Калибрлашни, кагталик бирликлари эталонларини калибрлаш, калибрлаш натижаларини расмийлаштириш, калибрлаш натижаларидан ўлчаш воситаларини қиёслашда фойдаланиш мумкин бўлган қисмида, ривожлантиришга ёрдам берадиган меъёрларни киритиш.

32. Бажарилаётган ўлчашларнинг давлат эталонларигача кузатилувчанлигини таъминлаган ҳолда, ўлчаш воситаларини калибрлаш ҳуқуқи учун аккредитацияланган метрология хизматлари тармоқларини давлат-хусусий шериклик шартида босқичма-босқич кенгайтириш.

5 - §. Халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш

33. Халқаро ва минтақавий метрология ташкилотларининг техник кўмиталаридаги фаолиятни фаоллаштириш йўли билан миллий ўлчаш эталонларини ва ўлчаш натижаларини тан олиш мақсадида шу ташкилотлар ишида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этишини жадаллаштириш, шунингдек, етакчи метрология ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш.

34. Маҳаллий саноат соҳасига инновацион технологиялар ва ғояларни ўтказиш учун метрология соҳасида халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш, саноати ривожланган мамлакатларнинг етакчи метрология лабораториялари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш.

35. МОЗМда Ўзбекистон Республикасининг фаоллигини ошириш. Давлат метрология муассасаларининг Евроосиё ҳамкорлиги (КООМЕТ) лойиҳаларида устувор соҳалар бўйича фаолиятни фаоллаштириш.

36. МДХ Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлатлараро кенгаши Илмий-техник комиссиясининг (НТКМетр) асос бўлувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш, модда ва материаллар таркиби ва хоссаларининг давлатлараро стандарт намуналарини яратиш ва уларни

қўллаш бўйича дастурини, шунингдек, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш бўйича бошқа дастурларини амалга оширишда иштирок этиш.

37. Ўзбекистон Республикасининг, СІРМ МРА Келишуви доирасида эътироф этилган минтақавий метрология ташкилоти ҳисобланган Оснѐ-Тинч океани метрология дастурига (АРМР) қўшилши.

6 - §. Метролог-мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш бўйича самарали тизим шакллантириш

38. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг яқин ва узок келажакда метролог-мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини мониторинг қилиш ва аниқлаш.

39. Яқин келажакда ёш кадрларнинг мунгазам равишда малака оширишини, уларнинг лаёқатлилигини оширишни рағбатлантиришни таъминлайдиган комплекс тизим ишлаб чиқиш.

40. Фаолияти ўлчашларни бажариш ёки ўлчаш ахборотидан фойдаланишни кўзда тутадиган мутахассислар учун уларни метрология асослари соҳасидаги замонавий билимлар билан таъминлаш мақсадида асосий касб-хунар таълими ва қўшимча касб-хунар дастурларининг вақти-вақти билан актуаллаштирилишини ташкил этиш.

41. Хорижий мамлакатларнинг етакчи метрология институтларида кадрларни ўқишиш ва малакаларини ошириш йўли билан метрология, шунингдек эталонларни сақлаш, ўрганиш ва имкониятларини ривожлантириш соҳасида кадрлар тайёрлаш.

42. Метрология соҳасида давлат эталонларини сақловчи илмий ходим, эталонлар сақловчиси, калибрлаш бўйича мутахассис ва қиёсловчилар каби мутахассислар градациясини ўрнатиш.

43. Давлат метрология хизмати органларининг республика илмий муассасалари билан узлуксиз ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш йўли билан метрология соҳасида юқори малакали илмий кадрлар континентини шакллантириш ва тайёрлаш, шунингдек, илмий ишлар ўтказиш учун техник ва услубий асослар яратиш.

7 - §. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг ишлашини ахборотлаштириш ва автоматлаштириш даражасини ошириш

44. Ахборот таркиби, уни олинш мурдагларига қўйиладиган талабларни баҳолаган ҳолда, саноат корхоналари ва ижтимоий соҳа муассасаларининг метрологик фаолият соҳасига оид ахборотга бўлган ҳақиқий эҳтиёжларини таҳлил қилиш.

45. Иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, интеграциялашган ахборот тизимларини, идоралараро маълумот узатиш ва алмашиш тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини, давлат ахборот ресурсларининг интеграциясини, шу жумладан электрон давлат хизматлари тақдим этилишини ошириш.

46. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш ахборот фондининг унда мавжуд бўлган ахборотга ишлов бериш ва уни тақдим этиш бўйича ахборот ва таҳлилий имкониятларини кенгайтириш.

47. Манфаатдор шахсларни кейинчалик хабардор қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ўлчаш воситаларининг миқдори ва ҳолатини ҳисобга олиш учун мўлжалланган, давлат метрология хизматининг ўзаро боғланган ахборот ресурслари комплексини ифодалайдиган ўлчашлар бирлигини таъминлаш соҳасидаги ягона ахборот тизими ва маълумотлар базасини шакллантириш.

48. Иш жараёнини оптималлаштириш, шунингдек, ўлчашлар бирлигини таъминлаш соҳасида хизматлар кўрсатиш вақти ва маблағларини камайтириш мақсадида ахборотлаштириш ва масофадан эркин фойдаланиш механизминини ишлаб чиқиш.

49. Ахборот-коммуникация технологиялари метрология хизматлари ишининг кўрсаткичларини мониторинг қилиш асосий механизми сифатида фойдаланиш.

3 - боб. Концепциянинг амалга оширишдан кутилаётган натижалар

50. Концепциянинг амалга оширилиши:

Ўзбекистон Республикасининг Бутун жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га қўшилиши бўйича бажарилаётган ишларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро бозорда Ўзбекистон маҳсулоти ва хизматларининг рақобатбардошлиги ошишига, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни ҳимоя қилишга;

ўлчаш натижаларининг ЎВ бирликларига кузатилувчанлигини таъминлашга, маҳаллий маҳсулотни чет элга етказиб беришда ўлчаш ва синаш натижаларининг таъминлишига;

саноат тармоқларида фойдаланиладиган юқори аниқликдаги приборларнинг метрологик текширув билан тўлиқ камраб олинишига ва маҳаллий корхоналарнинг хорижий метрология институтларига тобелигини камайтиришга;

савдода техник тўсиқларни бартараф этишга, шунингдек ҳар йили давлатлараро, халқаро ва хорижий мамлакатларнинг миллий эталонлари билан солиштириш;

мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқлари, ижтимоий соҳалари, фан ва муҳофаазининг, биринчи навбатда, қонун билан тартибга солинадиган соҳаларида ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича давлат функцияларини бажариш бўйича эҳтиёжларини қоплашга кўмаклашади.

4 - боб. Якуний қонда

51. Натижаларга эришиш даражаси ва уларнинг самарадорлиги мақсадли кўрсаткичлари иловада тақдим этилган Концепцияда кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишининг доимий мониторинги асосида баҳоланади.

**Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимини ривожлантириш
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Мақсадли кўрсаткич	Ўлч. бир.	Ҳақиқий қиймат	Мақсадли қийматлар				
				2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
1.	Давлат эталонларининг сони	бир.	12	21	23	28	33	33
2.	Халқаро ўлчов ва тарозилар бюросининг базасида қайдланган Ўзбекистон Республикаси калибрлаш ва ўлчаш имкониятлари тўғрисидаги ёзувлар сони	бир.	-	-	3	7	13	18
3.	Давлатлараро даражада ўтказиладиган солиштиришлар сони	бир.	6	8	11	15	19	22
4.	Бошланғич намунавий ўлчаш воситалари (ишчи эталонлар) миқдори	бир.	151	164	188	206	225	234
5.	Миллий даражада ўтказиладиган солиштиришлар лабораториялараро солиштиришлар сони	бир.	17	19	22	24	27	32
6.	Давлат метрология хизмати органларида қўлланадиган ўлчаш техникаси умумий миқдоридagi замонавий ўлчаш техникаси улуши	%	9,7	11,8	14,1	16,1	18,1	18,8
7.	Республика саноатида фойдаланиладиган ўлчаш воситаларининг метрологик текширув билан қамраб олинганлиги	%	87,6	89,1	92,3	94,5	95,2	96,1
8.	Калибрлаш ишлари ҳажмининг қиёслаш ишларига нисбати	%	0,01	3	8	15	23	30
9.	Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимини ривожлантириш мақсадида бажарилаётган илмий тадқиқот ишларининг сони	бир.	1	2	3	5	6	7
10.	Ўлчашлар бирлигини таъминлаш соҳасида давлат стандартларини ишлаб чиқиш	бир.	164	178	183	191	202	207
11.	Ишлаб чиқилган (янги ўзлаштирилган) калибрлаш усуллариининг сони	бир.	40	69	102	137	174	211

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “28” майдаги
440-сон қарорига
· 2 илова

**2019-2023 йиллар даври учун ўлчашлар бирлигини таъминлаш
миллий тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича
чора-тадбирлар режаси**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимининг ҳуқуқий базасини халқаро нормалар билан такомиллаштириш				
1.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада метрология хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	2019 й. май	“Ўзстандарт” агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
2.	Ўлчашларни бажариш усуллари метрологик аттестациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2019 й. декабрь	“Ўзстандарт” агентлиги
3.	Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва қиёсий баҳолаш асосида республикада ўрамларга қадокланган товарларнинг метрологик текшируви ва назоратини амалга ошириш бўйича услубий кўрсатма тасдиқлаш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2020 й. сентябрь	“Ўзстандарт” агентлиги
II. Ўзбекистон Республикаси давлат метрология хизмати тузилмасини такомиллаштириш				
4.	Давлат-хусусий шериклик шартларида ўлчаш воситаларини калибрлашни амалга оширадиган, аккредитацияланган янги ўлчаш лабораторияларини ташкил этиш.	Таклифлар тайёрлаш	2019 й. сентябрь	“Ўзстандарт” агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
5.	Метрология бўйича илмий-техник комиссия ташкил этиш.	“Ўзстандарт” агентлиги бош директорининг буйруғи	2019 й. июнь	“Ўзстандарт” агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
6.	Метрология хизматларининг сифатини бошқариш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш, шунингдек, метрология бўйича хизматлар сифатидан мамнунликни баҳолаш механизмларини яратиш.	“Ўзстандарт” агентлиги бош директорининг буйруғи	2019 й. декабрь	“Ўзстандарт” агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
7.	Республика давлат метрология хизмати ходимларининг салоҳиятини кучайтириш.	“Ўзстандарт” агентлиги бош директорининг буйруғи	2019 й. декабрь	“Ўзстандарт” агентлиги
8.	“Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат корхонаси тизимида Физик константалар ҳамда модда ва материаллар ҳақида стандарт ахборот маълумотлар хизматини, шунингдек, путур етказмайдиган текширув хизматини ташкил этиш.	“Ўзстандарт” агентлиги бош директорининг буйруғи	2020 й. июнь	“Ўзстандарт” агентлиги
9.	“Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат корхонаси тизимида Вақт шкаласини юритиш ишларини амалга оширадиган вақт ва частота хизматини ташкил этиш.	“Ўзстандарт” агентлиги бош директорининг буйруғи	2022 й. июнь	“Ўзстандарт” агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
III. Техник базани такомиллаштириш ва модернизациялаш				
10.	Замонавий илмий-техник тараққиёт нуқтаи назаридан “Ўзстандарт” агентлиги бўлинмаларининг ўлчаш воситалари паркни режали янгилаш.	Модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш дастури	Ҳар йили	“Ўзстандарт” агентлиги, Молия вазирлиги
11.	Ўзбекистон Республикасида ионли нурланиш икккиламчи эталонлари дозиметрик лабораториясини ташкил этиш.	Грант маблағларини ўзлаштириш режаси	2020 й. декабрь	“Ўзстандарт” агентлиги, Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
12.	Давлат метрология хизматларининг аккредитация доирасини босқичма-босқич кенгайтириш ва техник паркининг янгиланишини ҳисобга олган ҳолда янги ўлчаш усуллари ўзлаштириш.	Тадбирлар режаси	Ҳар йили	“Ўзстандарт” агентлиги
13.	Замонавий ўлчаш лабораторияларини ташкил этиш учун грантлар жалб қилиш.	Таклифлар тайёрлаш	2019-2023 йй.	“Ўзстандарт” агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
VI. Ўлчаш воситаларини калибрлаш тизимини такомиллаштириш				
14.	Ўзбекистон Республикаси Ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимини ўлчаш воситаларини калибрлаш ишларини ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича такомиллаштириш.	“Ўзстандарт” агентлиги қарори	2019 й. июнь	“Ўзстандарт” агентлиги
15.	Халқаро стандартлар талаблари билан уйғунлаштириш мақсадида O‘z DSt 8.029:2017 “Ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими. Ўлчаш воситаларини калибрлаш. Асосий қоидалар” давлат стандартига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	“Ўзстандарт” агентлиги қарори	2019 й. сентябрь	“Ўзстандарт” агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
16.	Кейинчалик зарур эталонлар ва энг юқори аниқликдаги ўлчаш воситалари билан жиҳозлаш мақсадида ўлчаш воситаларини калибрлаш хизматларидаги эҳтиёжларни таҳлил қилиш.	Жамлама ахборот	2019 й. июнь	“Ўзстандарт” агентлиги
17.	Халқаро стандартлар ва тавсиялар билан уйғунлаштирилган, ўлчаш воситаларини калибрлаш усуллари тартибга солувчи давлат стандартларини ишлаб чиқиш.	Режа-жадвал	2019 й. декабрь	“Ўзстандарт” агентлиги
18.	Намунавий ўлчаш воситалари паркининг янгиланишини ҳисобга олган ҳолда, халқаро талаблар асосида қиёслаш ва калибрлаш усуллари ишлаб чиқиш.	Стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар	2020 й. март	“Ўзстандарт” агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
19.	СОOMET томонидан ISO/IEC 17025 стандартига мувофиқ масса ўлчовлари, босим ва ҳарорат катталиклари лабораторияларига Сифат менежменти тизимини эътироф этиш гувоҳномасини олиш.	Эътироф этиш гувоҳномаси	2020 й. июнь	“Ўзстандарт” агентлиги
20.	Институтнинг калибрлаш ва ўлчаш имкониятларини асосий солиштиришлар маълумотлар базасида чоп этиш мақсадида СІРМ маслаҳат кўмиталари ёки минтақавий метрология ташкилотларининг техник кўмиталари томонидан ташкил этиладиган асосий ва қўшимча солиштиришларда иштирок этиш.	Режа-жадвал	Ҳар йили	“Ўзстандарт” агентлиги
21.	Солиштиришлар “пилоти” томонидан солиштириш натижаларига ишлов бериш ва солиштириш ҳисоботларини тайёрлаш.	Ҳисобот	2021 йил давомида	“Ўзстандарт” агентлиги
22.	СОOMET, ВІРМ ва минтақавий метрология ташкилотлари томонидан солиштиришлар Якуний ҳисоботини экспертизадан ўтказиш.	Минтақавий метрология ташкилотлари дастури	2022 й. июнь	“Ўзстандарт” агентлиги
23.	Ўлчаш имкониятларини минтақавий метрология ташкилотининг асосий солиштиришлар ахборот маълумотлар базасида чоп этиш.	Солиштириш натижалари тўғрисида маълумотлар	2021-2023 йй.	“Ўзстандарт” агентлиги
24.	Миллий миқёсда метрология хизматларининг лаёқатлилигини текширишни (лабораториялараро солиштириш) ташкил этиш ва ўтказиш.	Режа-жадвал	Ҳар йили	“Ўзстандарт” агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
V. Халқаро ва минтақавий ҳамкорликни такомиллаштириш, шунингдек, халқаро даражада эътироф этилишига эришиш				
25.	Халқаро ва минтақавий метрология ташкилотларининг техник кўмиталаридаги ишларни кучайтириш йўли билан миллий ўлчаш эталонларини ва ўлчаш натижаларини эътироф этиш мақсадида шу ташкилотлар ишида мутахассисларнинг мунтазам	Йиғилиш баёнлари ва семинарлар (тренинглар)	Йиғилиш жадвалларига мувофиқ	“Ўзстандарт” агентлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
	фаол иштирок этишини таъминлаш.			
26.	Метрология ишларининг натижаларини ўзаро эътироф этиш бўйича икки томонлама келишув имзолаш бўйича ҳукуматлараро комиссияга таклифлар киритиш.	Келишув лойиҳаси	2019-2023 йй.	“Ўзстандарт” агентлиги, ТИВ
27.	Ўзбекистон Республикасининг Осиё-Тинч океани метрология дастурига (APMP) қўшилиш масаласини ишлаб чиқиш.	Қўшилишга ариза тайёрлаш	2019 й. декабрь	“Ўзстандарт” агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, ТИВ
VI. Метролог-ходимларнинг малакасини ошириш, ўлчашлар бирлигини таъминлаш соҳасида фанни ривожлантириш				
28.	Метрология хизматининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгаришлар киритиш.	Лавозимлар классификаторига ўзгаришлар киритиш	2019 й. сентябрь	“Ўзстандарт” агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
29.	Лавозимини кўтариш, хорижда етакчи метрология институтларида малакаларини ошириш орқали республика эталонлар базаси кенгайтишига қараб эталон-сақловчилар сонини кўпайтириш.	Идора ҳужжати	Ҳар йили	“Ўзстандарт” агентлиги
30.	Халқаро эксперт-метрологларни жалб қилган ҳолда, мутахассислар ўқиш ва амалиётларини ташкил этиш	Семинарлар ва тренинглар	Ҳар йили	“Ўзстандарт” агентлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари
31.	ISO/IEC 17025:2017 стандартига мувофиқ масъул мутахассисларнинг амалиётларини ташкил этиш.	Ўқиш жадвали	2019 йил давомида	“Ўзстандарт” агентлиги
32.	Ёш ходимларнинг лаёқатлилик даражасини ошириш, уларнинг малакасини ошириш, семинарларда иштирок этишини мунтазам равишда таъминлайдиган комплекс тизим ишлаб чиқиш.	Ўқиш дастури	2019 й. июнь	“Ўзстандарт” агентлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
33.	Метролог-мутахассисларнинг малакаларини ошириш, шунингдек, ўлчашлар бирлигини таъминлаш соҳасида экспертлар тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш.	Таълим дастурлари	2020 й. март	“Ўзстандарт” агентлиги
VII. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг ишлашини ахборотлаштириш ва автоматлаштириш даражасини ошириш				
34.	Метрологик текширув натижаларини кузатиб бориш механизмини жорий этиш.	Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш	2019 й. декабрь	“Ўзстандарт” агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
35.	Вақт ва маблағлар сарфини камайтириш мақсадида ўлчаш техникаси, ўлчашларни автоматлаштириш ва ахборотлаштириш усуллари доирасидаги энг илғор ютуқлар асосида ўлчаш, калибрлаш, қиёслаш усулиятларини (усулларини) такомиллаштириш.	Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш	2020 й. декабрь	“Ўзстандарт” агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
36.	Ўлчаш воситалари миқдори ва ҳолатини ҳисобга олиш асосида интеграциялашган ахборотли тизимлар ва маълумотлар базаси комплексини яратиш.	Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш	2021 й. сентябрь	“Ўзстандарт” агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Изоҳ. Мазкур Амалий чоралар режасида кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишида, ишлаб чиқиладиган ҳужжат шакли ўзгартирилиши ёки ишлаб чиқиладиган ҳужжат бошқа бандларда кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар билан бирлаштирилиши мумкин. Икки ёки ундан кўп ҳужжатлар бирлаштирилган тақдирда, тегишли бандларнинг бажарилиши учун белгиланган энг сўнги муддат уларни ишлаб чиқиш муддати ҳисобланади.